Террорчилигининг энг дахшатли кўринишларидан бири – "инквизиция" номи билан машхур бўлган ва илк бор Испанияда ташкил этилган махкамалардир.

1452 йили испанлар мусулмон хокимлар билан тузилган шартномани бузиб, Гранадага бостириб кирдилар. Хамро шахрига кириб келган кардинал Мендозанинг биринчи килган иши, шахар минорасига хоч ўрнатиш ва католик мазхабидаги хамд дуосини куйлаш бўлди. Бир неча кундан кейин Гранада епископи Испания киролига шошилинч мактуб йўллаб, унга Масих алайхиссалом кўриниб, Гранада ва Испаниянинг бошка вилоятларида яшаётган мусулмонларни католиклаштириш масъулиятини зиммасига юклаганини баён килди. Кирол, Масих алайхиссалом "хохлаган" ишни амалга ошириши учун, унга хар кандай воситадан фойдаланиш хукукини берди. Епископ масжидларни босиб олиб, вакфларини мусодара кила бошлади. Хатто Гранаданинг катта Жомеъсини черковга айлантирди. Мусулмонлар масжидларни мудофаа килиш учун исён кила бошладилар. Уларнинг исёни шафкатсизларча бостирилди. Икки юзта мусулмон олим "христиан динига карши чикиш" жинояти билан айбдор деб топилди ва шахар майдонида гулханда куйдирилди!.

Инквизиция христианлашмаган мусулмонларни кидира бошлади. Мусулмонлар бошларини олиб тогларга кочдилар. Инквизиция кардинал Сисзусга Испаниядаги барча мусулмонларни йўк килиш ёки уларни христианлаштириш учун тезкор харакат килиш кераклиги хакида буйрук берди. Куръонлар, тафсирлар, хадис, фикх ва эътикод китоблари ёкиб ташланди. Инквизиция бу билан чекланмади, балки мусулмонларни гулханларда тириклай ёндириш карорини берди. Юзлаб масжидлар черковга, отхоналарга, савдо шохобчаларига айлантирилди. Араб тилида ёзилган ёки исломий китобларни ёкиб ташлаш хакида алохида фармон чикарилди. Гранаданинг Рамла майдонида юз минглаб китоблар кулга айлантирилди. Китобларни ёкиш бошка шахар ва нохияларда хам давом этди.

Террорчиликнинг иккинчи боскичи бошланди. Епископ баъзи бой-бадавлат мусулмон хонадонларга католик мазхабини кабул килдириш учун фитналар бошлатди. Бу

фитналардан бири – уларнинг хукумат мансабларини кўлга киритишлари эди. Унинг бу фитна тузогига бир неча хонадон аъзоларигина тушди. Бу, мусулмонлар оммасининг газабини уйготди. Кейин кардинал Химинис Гранада хокимлари билан ўртада имзоланган шартнома йўколгани ва кучдан колганини эълон килди-да, мусулмонларнинг барчасини, уларнинг фикрлари билан хисоблашмаган холда, христианликнинг (биринчи боскичи бўлган) мукаддас сувда чўмилтириш ёки уларга ўзларига "таклиф этилаётган" янги диннинг жихатларини ўрганиш фурсатини бериш фармонини берди. Яна шу фармонга кўра, христиан динини кабул килишни рад этган мусулмон ё Гранададан молу-мулкини мусодара килдириб, хотини ва болалари билан Африкага уловсиз чикиб кетиш ёки Гранаданинг марказида христиан динига карши чикиш жинояти билан ўлим жазосига тортилишни танлаши лозим эди.

Табиийки, Гранада мусулмонларининг талайгина кисми ўз дини ва эътикоди билан хижрат килишни афзал кўрди ва молу-мулкидан ажралиб, олдиларида кутиб турган йўл машаккатлари ва хатарларига эътибор бермай, пиёда йўлга отландилар. Афсуски, Гранададан чикишлари биланок карокчилар ва испан аскарлари уларнинг кўпларини ўлдирдилар, баъзиларини асир килдилар, бору-бурдларини талон-тарож килдилар. Боз устига Испаниянинг бошка шахарларида хам католиклаштириш сиёсати жадал суръатлар билан олиб борилмокда эди.

Гранадада христианлаштирилган мусулмонлар эски христианлардан ажралиб туришлари учун "янги христианлар" ёки "морискус" (кичик мусулмонлар) дея ном олдилар. Морисклар хакида пайдар-пай конунлар чика бошлади. Масалан, 1507 йилда араб тилини истеъмол килмаслик ва андалусияликларнинг курол-аслахаларини мусодара килиш фармони чикарилди. Бу фармонга риоя килмаган киши биринчи сафар кўлга тушса камок ва курол-аслахани мусодара килиш, иккинчи марта кўлга тушса катл килиш билан жазоланар эди. 1508 йилда исломий кийиниш тарзини таъкиклаган кироллик фармони чикди. 1510 йилда эса факатгина морискларга татбик килинадиган "согин сигир" солиги жорий этилди. 1511 йилда хукумат исломий кийиниш тарзи ва исломий усулларга биноан хайвон бўгизлашни таъкиклаш хамда колган-кутган исломий китобларни гулханларда ёкиш хакидаги карорларини янгитдан чикарди.

Мусулмонларга карши олиб борилган ушбу шафкатсиз кураш мобайнида, мусулмонларни католиклаштириш вазифаси юклатилган инквизиция ташкил этилди. Инквизиция католиклаштириш харакатлари "тўлаконли" манфаат келтирмаганини жуда яхши билар эди. Чунки, мусулмонлар зохиран католик кўринсаларда, аслида, ўзаро исломий анъаналарни давом эттиришар: исломий конунларга кўра уйланишар, маст килувчи ичимликларни ичишмас, чўчка гўштларини емас, ўз мажлисларида Куръон Каримни тиловат килишар, уни варакларга кўчириб, ўрталарида таркатишар, хатто Валенсия музофотида талайгина испан христианларни Ислом дини билан мушарраф бўлишларига

хамда уларнинг араб тили ва исломий ибодатларни ўрганишларига сабаб бўлишган эди.

Инквизиция хулосаларидан бири кардинал, кирол ва папанинг хушини бошидан учирди. Чунки, мусулмонларни католиклаштириш амалиёти учун тайинланган Гранада епископи ўз баённомасида шуларни таъкидлаган эди: "Морисклар Исломдан бирон одим хам ортга чекинмадилар. Уларни динларидан кайтариш учун олиб борган курашимиз салмокли самара бермади. Бундан кўра таъсирлирок услубларни кўлламасак, улар Гранада, Валенсия ва бошка испан музофотларидаги христианларни ёппасига Ислом динига олиб киришлари мумкин!".

Ушбу баённомаларга биноан Испаниядаги барча мусулмонларнинг, жумладан, Ислом динини кабул килган ёки черковнинг католик окимига зид бўлган исломий анъаналар билан таъсирланганларида шубха бўлган христианларнинг хам, инквизиция "чигиригидан" ўтиши мажбурий килинди. Натижада, гарб черкови тарихининг энг дахшатли ва конли сахифалари бошланди. Чунки, бу махкамалар хар бир мусулмон устидан хукм чикаришни максад килган эди.

Инквизиция – махкамаларнинг ажойиб тури эди. Унга чексиз имкониятлар берилган ва тарих давомида хеч бир золим подшо кила олмаган, хатто билмаган кийнокларни ишга солган эди. У ўз ишини арабча услубда иншо этилган хаммомларни бузиш, исломий усуллар билан гусл килиш-ювиниш, арабча кийиниш, араб тилида гапириш, арабча ашулалар тинглаш, арабча ёки исломий анъаналарга кўра уйланишни таъкиклаш билан бошлади. Маст килувчи ичимликларни ичиш ёки чўчка гўштини истеъмол килишни рад этганлиги исботланган одамга шафкатсиз жазолар кўллади. Бу таъкик ва фармонларга карши чикиш католик окимига карши чикиш деб хисобланар ва бу "жиноят"ни килган одам инквизицияга тортилар эди!

Махкамада "айбдор" бир неча синовлардан ўтар эди: У хокимлар тарафидан белгиланган микдордаги маст килувчи ичимликни ичадими ёки йўкми?! Кейин унга чўчка гўшти келтирилар ва ейиши талаб этилар эди! Бу билан "айбдор"нинг Ислом дини ва амрларига риоя килиш-килмаслиги маълум бўларди! Кошки синов шу билан тугаса! "Айбдор"ни узок ва дахшатли кийнок боскичлари кутарди : уни махфий, на Куёш нури ва на бошка ёруглик тушадиган коронгу, турли касалликлар таркалган зиндонга, чикиш куни номаълум муддатгача ташланар эди. У бечора ўзига кўйилган айб нима эканини хам билмасди! Агар ажали етиб ўша ерда ўлса, инквизиция буни "Тангрининг рахмати ва унга муносиб жазо" деб билар эди. Агар тирик колса, махкама олдида жавоб беришга мажбурланарди. Тугашини Аллохнинг ўзигина биладиган камалиш жараёнида, "айбдор" яшаш учун тинимсиз курашиши зарур эди. Чунки махкама кийнокка солиш ва саволларга

жавоб бериши учун уни тез-тез чакирар эди.

Терговчи уни биринчи кунлари нима учун кўлга олингани ва камокка ташланганини, кандай жиноят билан айбланаётганини билиши ёки билмаслигини аниклаш учун сўрокка тутар эди. Кейин ундан ўзига келишини, атрофидаги вокеълик хакида фикр юритишини ва "виждонан барча хатолари"га икрор бўлишини талаб килар эди. Сўнгра айбдорнинг оиласи, дўстлари, танишлари, яшаган ёки алокада бўлган барча жойлари хакида сўрар эди. Бу аснода терговчи "айбдор"нинг сўзларини бўлмас, хохлаганича гапиришига имконият берар, унинг айтган гапларини мирза ёзиб турарди. Терговчи "айбдор"дан хануз мусулмонми ёки христиан динига бўлган ишончи кай даражада эканини синаш учун, айрим христиан дуоларни талаффуз этишни талаб килар эди.

Ушбу узок давом этган "учрашувлар"дан сўнг прокурор айбдорга у айбланаётган жиноятлар мажмуъасини ўкиб эшиттирарди. Бу мажмуъа - "айбдор"нинг тергов мобайнида айтган гапларидан махкама хайъати чикарган, бирон асосга эга бўлмаган хулоса эди. Табиийки, "айбдор"нинг ўзини химоя килиш учун келтираётган хужжатларнинг хеч эътибори йўк эди. Чунки, махкаманинг асосий конуни: "Икрор бўлиш – далилларнинг подшоси!" эди. Демак, "айбдор"нинг ўзига кўйилган айбларнинг барчасига икрор бўлишдан бошка чораси йўк эди!! Бу "икрор" кай усуллар билан олиниши уларни кизиктирмас эди! Агар "айбдор" кийноклардан кўркиб бир "жиноят"га икрор бўлган бўлса, прокурор унга бошка бир жиноятни тиркаб кўяр эди. Натижада, терговчи "айбдор"нинг кийнокка солиниши мукаррар эканини биларди. Чунки, "айбдор" хакикатни айтишдан бош тортиб эътироф этаётган эди!! Демак, "айбдор" хох "айби"га икрор бўлсин, хох бўлмасин, кийнокка солиниши "зарур" эди!.

Кийнок, эсга келган ва келмаган нарсалар билан бошланар эди. Масалан, "айбдор"га харакат килишга мажоли колмайдиган даражада озиб кетгунигача озик-овкат ва ичимликлар беришни таъкиклаш. Кейин камчи билан савалаш, тирнокларни сугуриб олиш, кизитилган темир билан тамгалаш, сочларни юлиб олиш, вахший хайвонларга рўпара килиш, яра ва жарохатларга туз сепиш, бармоклардан осиш... Кийнок давомида "айбдор"нинг огзидан чиккан барча сўзларни, чинкириш ва йигиларнинг барчасини мирза ёзиб борарди. Кариялар, хотин-кизлар, хатто болалар хам бу кийнокдан бенасиба колмас эди. Кийноклар тугаганидан сўнг "айбдор"га бир кун "таътил" берилар эди! Кейинги куни эса, кийнок асносида ёзилган "баённома" унинг ўзига ўкиб эшиттириларди. Хакамлар "баённома"да ёзилган жумлаларни ўзларича изохлайдилар. Масалан: "айбдор" кийнок пайтида йиглаб, "Ё, Аллох!"- деб кичкирган бўлса, хакам бу сўзни мусулмонларгина талаффуз килишини айтади. Демак, "айбдор" ўзининг мусулмон ёки мусулмон эмаслигини исбот этиши керак. "Айбдор" бунга хох икрор бўлсин, хох инкор этсин, барибир, кайта кийнокка солинади. Шундай килиб, кийнок силсиласининг поёни кўринмайди!!

Нихоят, хукм ижро килинишидан йигирма тўрт соат олдин "айбдор"га кўйилаётган жиноятлари билдирилади. Махкама тарафидан чикариладиган карорлар уч турли бўлар эди:

Биринчи: окланиш. Бу – инквизиция берган карорларнинг энг нодири эди. "Айбдор" махкамадан окланиб чикса-да, кўрган кийноклари сабабли ногирон бўлиб колар эди. Чиккунича мол-мулки мусодара килинган бўлар, одамлар тарафидан четлатилар, чунки одамлар у билан муомала килиш ёки гаплашишдан "Агар назорат килинаётган бўлса-чи! Агар шундай бўлса, бизга хам уникидек айблар кўйилиб колармикин?!"- деб кўркишар эди.

Иккинчи: савалаш. "Айбдор"ни омма тўпланадиган ерга кип-ялангоч холатида олиб боришиб савалашар ва баданини моматалок килиб ташлашар эди. Хатто баъзи "айбдор"лар савалаш пайтида хаётдан кўз юмар, агар тирик колса "айби"нинг жазосини олган хисобланса-да, ногирон ва жамият тарафидан ташлаб кўйилган инсон бўлиб умрини ўтказар эди.

Учинчи: катл. Бу - инквизиция берган карорларнинг энг кўпидир. Ўлим жазоси – шахар ўртасида ёкилган гулханда куйдириш билан ижро этилар эди.

Баъзи пайтларда махкама камок жазосига хам хукм килар эди. Бирок, камокхоналардаги махбуслар сони кўпайиб, муаммолар пайдо бўла бошлаганида баъзи махбуслар махкама хузурига чикарилмай озод килинар, баъзилари эса ўлдирилар эди. Махкамалар баъзида озодликка чиккан "айбдор"нинг хаёти давомида бир хил кийим кийиши ва кўчалардан ўтаётганида одамлар тарафидан хакоратланишини ифодалаган карорлар хам чикарган. Баъзи васикаларда чикарилган карорлар инсонларнинг ёшлари ёки жинсларидан катъий назар чикарилгани, хатто ўн бир ёшли кизчага икки юз дарра, тўксон ёшли чолга уч юз дарра урилгани, хатто ўликлар хам бу махкамалардан кутила олмагани, баъзи мурдаларнинг кабрларидан чикарилиб, гулханларда ёкилгани кайд этилган!

1611 йилнинг май ойида Валенсия музофотида колган мусулмонларни хам йўк килиш максадида бир карор олинади. Бу карорга кўра тирик мусулмонни тутиб олиб келган одамнинг мукофотлар билан такдирланиши, хатто у мусулмонни ўзига кул-карол килиб олиши, ўлдирилган мусулмон боши учун ўттиз лира кўйилгани баён килинади.

1609-1614 йиллар мобайнида Испанияда 327 000 (уч юз йигирма етти минг) мусулмон сургун килинди. Булардан 65 000 (олтмиш беш минг)таси денгизда гарк бўлди ёки йўлларда ўлдирилди ёхуд касаллик, очлик ва камбагаллик курбони бўлди. Булардан 32 000 (ўттиз икки минг)тасигина ўз юртлари – Андалусияга эсон-омон кайта олдилар. Баъзилар эса ўз юртларида оммавий кувгин бўлишига карамай яшириниб колиб кетдилар. Андалусиядаги исломий борлик ўн еттинчи ва ўн саккизинчи асрларда чекланган ва махфий равишда ўз хаётини давом эттирди.

Гранададаги инквизиция 1726 йилда 360 (уч юз олтмиш) оилага мансуб 1800 (бир минг саккиз юз) кишининг Ислом динига мансублик "жинояти" билан "жиноий жавобгарлик"ка тортди. Испан ёзувчиларидан бири 1728 йилнинг 9 майида бўлиб ўтган махкама жараёнида 46, 1728 йилнинг 10 октябрида 28 гранадалик устидан "Ислом динига мансублик" жинояти билан хукм чикарилганини накл килади. Мусулмонларни таъкиб килиш кучайди ва 1729 йилда шахар хокими киролдан морискларни шахардан кувиб чикариб, ахолини "харом кон"дан куткариш учун фармойиш беришини сўради.

1769 йилда тафтиш гурухи Марсия музофотидаги Картагена шахрида яширин масжид фаолият кўрсатаётгани хакидаги маълумотни кўлга киритди. Бунинг окибатида юздан ортик мориск кўлга олиниб, махкамага тортилди ва уларнинг кўпчилиги ўлим жазосига хукм килинди.

Христианлар хам инквизиция курбони

Биз инквизиция хакида канчалар гапирмайлик, унинг вахшиёна кора тарихидан бир неча сахифасини ва бир неча жиноятинигина кўрсатиб ўтган бўламиз. Испанияликлар инквизициядан жуда хам кўркар эдилар. Чунки хар бир инсонни бу махкамаларга тортиш жуда хам осон эди. Гохо миш-мишлар хам махкамага боришга сабаб бўлар, гохида эса одамнинг ўзи огзидан чиккан сўздан кўркиб ёки уни яхши ниятда айтганини исботлаш учун у ерга борар, уни бирортаси эшитган бўлса нотўгри тушуниб, гина-адовати сабабли ўч олиш учун бу сўзлардан фойдаланишидан чўчир эди. Кўшнисининг хотинини севиб колиш ва унга уйланиш умиди ёки ишчисининг маошини бермаслик касди ёхуд савдода ракибини синдириш орзуси хам чакувга сабаб бўла олар эди. Хатто болалар хам бирга ўйнар эканлар, тенгдошлари тарафидан отилган тухмат тоши остида колар эдилар. Масалан, болалардан бири бошкаси устидан: "Ўйин пайтида ундай деди, бундай деди" деб гувохлик бериши, унинг кўлга олинишига сабаб бўлар ва бечора боланинг митти бадани айбдор ёки айбсиз эканини "аниклаш" учун олиб борилган тергов, камок ва

кийнокка чидай олмай, хаётдан кўз юмар эди!

Ха, мусулмон бўлган хар кандай шахсдан кутилиш учун ёшининг катта ёки кичиклигига карамай, оддий бир чакув билан зиндоннинг каърига отиш жуда хам осон эди!!

Мусулмонларгина инквизиция курбони бўлди десак, инсофсизлик килган бўламиз. Чунки, христианларнинг ўзлари хам инквизиция курбони бўлган эдилар. Черков юкорида тавсифлаганимиз дахшатли усулларни инквизиция воситасида христианларга нисбатан хам кўллаган эди. Черков бу билан одамларга дин номи билан жорий килган фикрларининг ижросини таъминлар, черковга карши чиккан ёки черков фикрларини танкид килган кишиларни камокка олар, уларни дорга осиш ва гулханларда тириклай ёкиш билан катл этар эди. Инквизиция карорлари билан катл этилган христианларнинг сони 300 000 (уч юз минг)дан ортик бўлиб, шулардан 32 000 (ўттиз икки минг)таси гулханда тириклай ёкилган эди. Улар ичида машхур олим Жордано Бруно хам бор эди. Черков ундан бошка сайёралар борлиги хакида айтган сўзлари учун интиком олди. Бошка олим Галилео Галилей эса "Ер Куёш атрофида айланади"- деб эътикод килгани учун катл этилди!!

Сионистлар минглаб яхудийларнинг (мурдаларини!!) нацистлар Германиясининг газ камераларида ёкиб юборилганини рўкач килиб, бутун дунёни, хусусан гарб оламини тиз чўктириб, Фаластин ерларини босиб олишда хакли эканликларини исботламокчи бўладилар. Бирок, бутун Олам юз минглаб, балки миллионлаб мусулмонларни курбон килган инквизициянинг кўп жихатларини очишдан кўз юммокда. Зеро, нацизм Германиясининг газ камералари яхудийларнинг мурдаларини бир неча йил ёккан бўлса, инквизиция юзлаб йиллар давомида мусулмонларни ўлдирди, гулханларда тириклай куйдирди ёки кийнокка солди!! Шундай бўлишига карамай, Гарб давлатлари ўз архивларини сионистларга очди ва улар нацистлар тарафидан куйдирилган яхудийлар архивини кўлга киритиб, хохлаган даъволарини килмокдалар. Айни замонда Ватикан ва черков мусулмонлар ва мусулмон бўлмаган халклар олдида ўз архивларини очишдан бош тортмокда! Чунки, инквизициянинг кора юзини фош этадиган далиллар кўриниб колишидан кўркмокда!!

Мусулмонлар инквизиция, унинг кабохатлари ва мусулмон курбонларининг тарихини чукур ўрганишлари керак. У коронгу кунларга етарлича бахо бериш учун Ватикан, Испания ва бошка христиан давлатларидаги католик черков архивларини текширишлари ва бутун Оламга черков христиан дини номи остида мусулмонларга карши олиб борилган кураши мобайнида килган жиноятларни, Ислом дини асосига курилган давлат соясида христианларга берилган осуда хаёт билан таккослаб, намоён килишлари лозим. Шуни

хам унутмаслик керакки, хозирги кунга кадар инквизиция хакида ёзилган асарларнинг барчаси христиан хукуматлар рухсат берган ва мусулмон бўлмаган шаркшунос хамда христиан муаллифлар тарафидан ёзилгандир.

Кизил танли хиндуларни йўк килиш

Кизил танли хиндуларни кириб ташлаш – Исломга карши уруш эълон килган, Исломни – террорчилик, биз мусулмонларни эса террорчилар дея таърифлаган "жаноблар"га хакикий террорчилик нима эканини билишлари учун такдим этмокчи бўлганимиз америкача террорчилик намунасидир!

"Адабиёт хабарлари" ойномасининг 2002 йилнинг 9 июнь сонида Мунир Хамш каламига мансуб ва мавзусида нодир хисобланган "Америка ва дарадаги кизил танлилар" сарлавхали макола чоп этилди. Муаллиф америкаликларнинг ўз ерларини мудофаа килиш учун курашган махаллий халкларни кандай кириб ташланганини каламга олади.

Америкаликлар бор йўги бир нарса – Янги Оламни барпо килиш йўлида осуда хаёт кечириб турган 12 000 000 (ўн икки миллион) кишининг ёстигини куритдилар! Бу бегунох халкларни йўк килиш учун 93 (тўксон уч) марта оммавий киргин куроллари ишлатилган урушлар килинди. (Америкаликлар бу киргинни шундай изохладилар:) "Бу урушлардан сог-омон колган хиндулар, америкаликлар устунлиги йўлида бўлиб ўтган жанглардан кейин, ўз кўллари билан ўз кабрларини казидилар. Чунки, хиндулар уруш оловини биринчи бўлиб ёкдилар ва бу курбонлардан улар жавобгардирлар! Баъзи хиндулар тангрининг казо ва кадари билан европаликлар билан бирга келган касалликлар сабабли вафот этдилар!". Бу сўзлар - ёлгон ва бухтондир!

Кўплаб бегараз изланишлар шуни кўрсатдики, хиндулар хозирги Европанинг ер майдонига яна ярим миллион гектар кўшиладиган катта территорияда яшар эдилар. Европаликлар кириб келишганида хиндуларнинг сони 100 0000 000 (юз миллион) билан 200 000 000 (икки юз миллион) ўртасида эди. Бирок, америкалик тарихчи (барча мустамлакачилар каби) бу сонни 1 000 000 (бир миллион) ёки 2 000 000 (икки миллион) деб кўрсатди. Бу ракамлар тўгри эди. Чунки, бу санок (конли урушлар тугаган) 1900 йилда амалга оширилган хисоботларга кўра эди!

Америка мактабларида ўкитилаётган дарсликларда: "(Афсуски), бу киргин - бандалар хаёлига келтирмаган такдирнинг огир мусибати бўлиб, унга таслим бўлишдан бошка чора йўк эди" дея тушунтирилади! Худди (Японяидаги) Хиросима ва Нагасаки шахарларига Америа Хаво Кучларининг "бургут"лари олий максад - Жахон Урушини тўхтатиш учун ташлаган атом бомбалари каби! Бу бомбабўрон окибатида чакалоклар ва хотин-кизлар бир соат ичида кирилди, шахарлар вайронага айланди, жонли ва жонсиз инвентарлар халокатга учради. Бу, аслида, бир маданият ёйилишининг хошияси ва ёйилиш услуби эди. Агар сиз бу ишнинг айбдорини топмокчи бўлсангиз, америкача фалсафага кўра анави "бахтикаролар"нинг кирилиб кетишидаги ният, максад ва масъулиятга карамай, табиийки, казо ва кадарни айблашингиз керак!! Америка маданияти хакида салбий фикрларни билдириш америкача маданиятдан нафратланиш окибатида пайдо бўлади!!

(Босниянинг мард ўглони) Алия Иззатбеговичнинг ёзишича, 1865 йилга кадар жорий бўлган ва ўлдирилган кизил танлининг бошига такиб олган патлардан бирини полиция марказига олиб келган одамга мукофот бериш кўрсатилган конун бор эди. Унинг бу килган иши мухитни маданий ва фикрий жихатдан колок бўлган халклардан тозалашга кўшилган катта хисса хисобланарди. Чунки бу иш Ер юзини маданиятсиз кабилалар таркатаётан "пат"лардан тозалаш, демак эди!! "Озодлик диёри" бўлмиш Америка Кўшма Штатлари, бечора кизил танли хиндуларнинг тўкилган конлари устига курилгандир!!

Кўшма Штатлар Армияси 1846 йилда Калифорнияни ишгол килди. Хисоботларга кўра, хиндуларнинг сони 1769 йилга караганда бир неча баробар ўсган эди. Ишголдан сўнг 20 йил ичида уларнинг 80 (саксон) фоизи кириб ташланди, колганлари эса тахкирловчи конун таъсирида йўк бўлиш даражасига етиб келди. Хаёлий далалар ва олтин конларининг эгаларига сиёсий салтанатни берган халкларнинг мулки, зудлик билан хиндуларни ишлаб чикариш куроли сифатида кул килиш ва уларни, худди илгари Колорадо ва бошка олтинга бой штатларда йўк килинганидек, кириб ташлашга йўналди. Чунки, бу штатлардаги олтинларни ишлаб чикариш учун арзон ишчи кучига катта эхтиёж бор эди. Шунинг учун хинду болаларни ўгирлаш тижорати бошланди. Ўша даврдаги рўзномаларда кулжаллобларнинг кишлокларнинг орка кўчаларидан араваларни ўгирланган болалар билан тўлдириб, Сокрамонто ва Сан-Франциско кул бозорларига олиб кетганлари ёзилган.

Биринчи боскинчилик урушининг илк йиллари нихоясига етиб, кўшимча хизматлар: чўрилик ва фохишалик юмуши учун хотин-кизларни ўгирлаш авж олди. Буни кўрган оталар ва ака-укалар "жиноят" хисобланган гурухларни уюштирдилар. Бу жараёнлар хиндуларнинг талайгина уругларини ота ерларини тарк этиб, кочишга мажбур килди. Одамларни ўгирлайдиган талончилар эса "хайрия гурухларига" бирлашдилар. Чунки улар оталарни ўлдиришар ва бу ишлари билан давлатнинг "исёнчи гурухлар"ни кириб ташлашида ўз хиссасини кўшар эдилар. Шундай килиб, хиндуларни ўлдириш ёки кул

килиб сотиш, америкаликлар ёктирган "ахлок" ва "шараф"нинг бир парчасига айланди!

1850 йилнинг бошларида Калифорния Штати мажлисининг биринчи сессиясида кизил танли хиндуларни ўгирлаш ва кул килишнинг конуний эканига кўшимча ўларок, "Хиндуларни химоя килиш конуни"ни тасдиклади. 1860 йилда бу конун, киритилган янги иловага кўра, 10 000 000 (ўн миллион)лаб кизил танлиларни огир ишларда ишлашга мажбур килар эди. Чунки ўзлари ва оилаларини ўрмонлар ва тогларга олиб чикиб кетган "исёнчилар", Америка Кўшма Штатлари деб аталган давлатда яшашар ва Ерларини тортиб олган ЎГРИЛАРнинг конунларига биноан "бошкаларнинг мулкларига тажовуз килган жиноятчилар" макомига тушиб колган эдилар. Хеч канча вакт ўтмади хамки, хиндуларни химоя килиш конуни чикарилди! Бирок, бу конундан вилоят хокими Питер Берднинг жазаваси тутди ва парламентнинг конун чикарувчи палатасига "Кизил танли хинду иркини кириб ташлаш лозимлиги"ни очик ифодалаган мактуб юборди. Унда жумладан шундай дейилган эди: "Ок танли одам ўз вактини олтин деб хисоблайди. Бирок, у хозирги кунда ўзининг молу мулкини кўриклаш билан овора. Унинг олдида киргинбарот урушдан бошка чора йўкдир. Зотан, уруш бошланди! Энди урушни хиндулар ирки бутунлай йўколиб кетгунига кадар давом эттириш керак!"

Америкаликлар Майя, Азита, Бухатан ва бошка маданиятларни йўк килиб ташлаганликларини тан оладилар. Чунки киргин – уларнинг кучли, "адолатли" ва бошкаларни ўз ахлокий кийматларига биноан мухосаба килишга тайёр бўлган Американи барпо килиш йўлида олиб боришган курашларининг бир бўлагидир!!